*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**17 август**
ШАНБА
**№ 66** (12598)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

**Вилоят ҳаёти**

Ўрта Чирчиқ тумани

### Бўлажак тадбиркорларга ёрдам

**Тумандаги 66-умумтаълим мактабида маҳалла фуқаролари ва тадбиркорлар иштирокида "Тадбиркорлик – давр талаби" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши туман бўлими ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг "Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари" доимий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшларни иш билан таъминлаш, бўлажак тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама этилди.

Хусусан, маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, касаначилик, паррандачилик, асаларичилик ҳамда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан мутахассислар зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар беришди. Шунингдек, иштирокчиларнинг талаб ва истаклари тингланиб, уларни ўрганиб чиқиш тавсия этилди.

Ташкилотчилар маҳаллаларнинг энг яхши тадбиркорларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим этишди.

**Умида ФАЗЛИЕВА.**

Зангиота тумани

### Боғлар кенгаяди

**Туманда узумзор ва мевали боғларни кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулотларни қайта ишлаш учун ҳамма шароит бор. Аммо мутахассисларнинг фикрича, ҳали бу имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланилмаяпти.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ва Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида фермер ва боғбонлар учун ташкил этилган семинарда шу ҳақда сўз борди.

Хусусан, туманда 2013-2015-йилларда 129 гектар янги токзорлар барпо этиш ҳамда ҳосили паст 83 гектар токзорни қайта тиклаш дастурини амалга ошириш учун институт мутахассисларини жалб этиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

**Нурихон НЎЪМОНОВА.**

Бекобод шаҳри

### «Тоза ҳаво» тадбири

**Бекобод шаҳрида 10 августдан республикамиз миқёсида ўтказилаётган "Тоза ҳаво" тадбирининг иккинчи босқичи бошланди. Тадбир давомида автотранспорт воситалари атмосфера ҳавосини ифлослантиришини камайтириш ва давлат назоратини янада кучайтириш чоралари кўрилмоқда.**

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси, ДСЭНМ ва ИИБ ҳаракат хавфсизлиги бўлинмаси биргаликда ишлаб чиққан режага кўра шаҳар ҳудудида ҳаракатдаги постлар ташкил этилди ва улар газанализаторлар билан таъминланди.

### Тарих сабоқлари

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгаши "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида 16 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловини ўтказди.**

Ёшларнинг ўзлари яшаб турган ҳудудлари тўғрисида кўпроқ маълумотларга эга бўлишлари ва миллий ғурурни кучайтириш мақсадида ўтказилаётган тадбир давомида жамоалар ўз маҳаллаларининг бугуни ва тарихи, демографик кўрсаткичлари ва анъаналари ҳақида сўз юритдилар. Шаҳар ва маҳалла тарихи, этнографияси, сиёсий ва ижтимоий ҳаётига оид саволларга жавоблар берилди.

**Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.**

Танлов

## ИЖОДИМИЗ СЕНГА, ОНА ВАТАН!

**Ҳар йили Ватанимиз Мустақиллиги байрами арафасида "Энг улуғ, энг азиз" танловига якун ясаш энг яхши анъаналаримиздан бирига айланиб қолди. Ушбу ижодий танловда ўнлаб журналистлар, ёзувчи ва шоирлар, кино ва тасвирий санъат намоёндалари фаол иштирок этишяпти.**

Вилоят Маданият ва маърифат марказида ушбу танлов ғолибларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Марказга ўз ижодлари билан маданият ва санъат ривожига, мустақиллик ғояларини ёшларнинг онгу шурига сингдиришга, боқий қадриятларимиз, эзгулик ва инсонпарварлик омилларини янада кенг ёйишга муносиб ҳисса қўшаётган қаламкашлар тўпландилар. Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, "Тасвирий ойина" ижодий бирлашмаси, Ёзувчилар ва журналистлар ижодий уюшмалари, "Ўзбеккино" агентлиги бўлимлари, вилоят Маънавият ва маърифат маркази каби ташкилотлардан иборат танлов ташкилий қўмитасига ўнлаб ижодий ишлар тақдим этилди. Уларнинг ҳаммаси мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида эришилган юксалишларни у ёки бу даражада акс эттирган. Рассом, дизайнер ва журналистлар тақдим этган ижод намуналарида мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал суръатлардаги ривожи, халқимизнинг фаровон ҳаёти, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кун сайин чирой очиб бораётгани каби мавзулар, айниқса кенг ва маҳорат билан ёритилган.

(Давоми 2-бетда).




Семинар-тренинг

**Вилоят ҳокимлигида "Корея ахборот технологиялари ҳамкорлиги: тажриба ва таклифлар" мавзуида уюштирилган семинар-тренингда шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари, компьютер-ахборот марказлари ходимлари, соҳага алоқадор қатор ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок этишди.**

## ЭЛЕКТРОН АЛОҚА – ЭНГ МАҚБУЛ ТИЗИМ

Тадбирдан мақсад ахборот технологиялари коммуникация тизимини тубдан янгилашда Корея тажрибасини ўрганиш, айниқса, ҳукумат бошқаруви тизимида уни кенг кўламда ривожлантириш кўзда тутилган.

– Ушбу тизимни ривожлантириш аввало, катта ҳажмдаги сарф-харажатларни тежайди, – дейди кореялик маслаҳатчи мутахассис Ким Нак Сок. – Ҳокимликнинг бир ходими ишда йил давомида 26 килограмм қоғоз сарфлар экан. Бу мамлакат миқёсида ҳисобланса, қанча маблағ бесамар кетаётганини кўриш мумкин. Агар бошқарув тизимида маълум дастурлар орқали бир-бири билан алоқага киришилса, ҳужжатлар ва ҳисоботлар электрон шаклга ўтса, юқоридаги харажатларга ўрин қолмайди. Бундан ташқари, ахборот технологиялари коммуникация тизимини замон талабига мос йўлга қўйиш барча соҳалар, шунингдек, фуқаролар учун ҳам бир қатор қулайликлар яратади.

Айтайлик, илгари Кореяда фуқаро паспорт олиш учун 6-7 хил маълумотномалар йиғишига тўғри келган. Кейинчалик кореяликлар интернетдаги махсус дастур орқали тегишли ташкилотлардан маълумотлар олиб, тақдим этадиган бўлишди. Ҳозир эса бунга ҳам ҳожат қолмади. Чунки, электрон шаклда йўлланган ариза асосида мутахассис тегишли ташкилотдан зарур маълумотларни тўплаб олади.

Фуқароларнинг ҳокимлик ёки бошқа мутасадди ташкилотларга мурожаатида ҳам ушбу электрон тизим жуда қулай ҳисобланади. Яъни, фуқаро ўз арзини интернет орқали ҳокимлик ёки бошқа бошқарув органларига етказади ва шу йўсинда тегишли жавоб ҳам олиши мумкин.

Бундан бир неча йил илгари 50 миллионли аҳолиси бўлган Кореяда ҳар бир киши бир йилда турли ташкилотларга 10 марта мурожаат билан борган. Уларнинг ҳар бир бориши ўртача 10 долларга тушган. Бу эса умумий ҳисобда йилига 5 миллиард доллар деганидир. Электрон тизимга ўтилгач, 4 ярим миллиард доллар тежалишига эришилди.

– Бу маблағ Ўзбекистондаги экспорт маблағининг учдан бирига тўғри келади, – дейди кореялик мутахассис.

– Ҳозир Кореяда ушбу тизимда 5 мингга яқин хизмат дастурлари ишлаб чиқилган. Уларнинг 3 мингги бевосита онлайн тизимида ишлайди.

– Вилоятимизда бу борада энди дастлабки қадамлар ташланди, – дейди вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Анвар Абдуқодиров. – Бу тизимни ривожлантириш фақат компьютер-ахборот марказларининг иши эмас, балки ҳар бир катта-кичик раҳбарнинг вазифасидир. Чунки, компьютер мутахассислари раҳбарларнинг таклифи билан дастурлар ишлаб чиқиб, жорий этишлари мумкин.

– 0 рақамининг ҳамюртингиз, буюк аждодингиз Ал-Хоразмий томонидан кашф этилганини эшитиб, ҳайратландим, – дейди Ким Нак Сок. – Бу халқингиз ўтмишда нақадар зукко бўлганидан далолатдир. Ҳозирги ёш авлод ҳам боболари изидан бориб, нафақат бу мавзудаги масала балки, бошқа соҳаларда ҳам улкан марраларга эришишларига ишонаман.

Семинар давомида Кореяда яратилган дастурлар ва йўлга қўйилган тизимларнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Электрон алоқа тизимининг афзалликлари йиғилганларга батафсил тушунтириб берилди.

Мустақилликнинг 22 йиллиги олдидан

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН НЕЪМАТЛАР

**Юртбошимиз таъкидлаганидек, истиқлол йилларида халқимизнинг дунёқараши, онгу шуури кескин юксалди.**

Иқтисодиётимизнинг тубдан ислоҳ қилингани, бозор муносабатларига ўтилгани, ўзаро рақобат ва бевосита манфаатдорликка асосланган иқтисодий сиёсат олиб борилаётгани, жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, мамлакатимизда кейинги беш йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8 фоиздан кўпроқ ўсгани, импорт камайиб, экспорт ошиб бораётгани, инвестиция кириши кучаяётгани, эркин иқтисодий зоналар (Навоий, Ангрен, Жиззах) барпо этилаётгани, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилаётганини ўйласак, юртимизни қандай порлоқ истиқбол кутаётгани янада ойдинлашади. Бу истиқлол бизга: "Ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам" деган фикрни бaралла айтиш имконини берганига далилдир.

Гарчи, бозор иқтисодиёти ўзининг муайян қонунларига асосланган ҳолда нарх-наволарни эркинлаштириш, маҳсулотларни келишилган ёки шартномавий баҳоларда сотиш, бозор рақобатини амал қилиши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш каби кўплаб тамойилларни талаб этса-да, республика ҳукумати иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларида истеъмол молларининг энг муҳим турларига қатъий белгиланган нархлар тайин қилиб, кенг аҳоли манфаатларини изчил ҳимоя қилиб борди. Шу билан бирга ўтиш даврига хос бўлган пулнинг қадрсизланишини ҳисобга олиб, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари, хусусан, нафақахўрлар, ногиронлар, кўп болали оналар, уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек ўқувчи ва талабалар манфаатларини кўзлаб, уларнинг ойлик маошлари, нафақаларини муттасил ошириб, бошқа турда имтиёзли ёрдам кўрсатиб борди. Бу эса, жамиятда соғлом маънавий муҳитни ҳамда ижтимоий кескинликни бартараф этиш, янги, демократик, халқчил ўзгаришларни қарор топтириб, мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Эндиликда Ўзбекистон иқтисодиётининг кўплаб тармоқлари чет эл инвестициялари ёрдамида дадил оёққа туриб, ўз салоҳиятини тўла куч билан ишга солмоқда ва жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи бозорга хос турли-туман муаммоларни, шунингдек хорижий мамлакатлар билан экспорт ва импорт операцияларини, маҳсулот ва мол айирбошлаш жараёнларини ўз миллий валютаси ҳисобланган сўмнинг қиймати орқали амалга оширмоқда. Бу эса сўмимиз қадр-қимматининг ошишига, унинг чет эл валюталарига нисбатан эркин, муқобил конвертация тарзида алмашинувига тобора ижобий таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Юрт оҳанрабоси

## ТАЪРИФИГА ТИЛ ОЖИЗ

**Ғазалкентдан 100 чақиримлар чамаси масофадаги дарё сатҳидан 1350 метр баландликдаги таъбир жоиз бўлса, афсонавий Пском қишлоғига отландик. Қоранқул, Чорбоғ, Сижжак қишлоқларидан ўтамиз. Наволисойнинг живир-живирига қулоқ тутиб, сувининг шифобахшлиги ҳақида сўзлашамиз. Айтишларича, бўғинлар зўриқишидан азият чеккан киши бир марта шу сувга тушса, оғриқлар таққа тўхтармиш.**

Йўлда давом этамиз. Қорабулоққа етамиз. Пском дарёси пастда қолди. Сувининг рангига маҳлиё бўламиз-у, неча-неча асрлардан бери бағрида булоқ қайнаб турган, ёнғоқ дарахтлари бор манзилда тўхтаймиз. Авлодларимиз чанқоғини қондирган, боболаримиз отларига сув тутган манзилдаги дарахтларнинг сирли шивирига қулоқ тутамиз. Қорабулоқдан ўтгандан кейин тоғлар бағрига кириб бораверасиз. Юқорилаган сари ҳайратингиз ошади. Мулла-ло, Испай қишлоқлари нариги қирғоқда. Полвонак қишлоғи шундайгина Пском йўлида. Табиатнинг гўзаллигига, тоғларнинг баландлигига маҳлиё бўлиб бораверасиз.

Эмишки, Испай қишлоғининг рўбарўсидаги тоғларда чолу кампир яшаган экан. Қишлоққа ибодатга келадиган чол намоз тугаши биланоқ тоғ сари илдам жўнармиш. Унинг бу ҳаракатидан ажабланадиган одамлар қариянинг кетидан пойлаб боришса, чол уйига етиши билан кийимларини кампирига берармиш. Кампир ҳам намоз ўқиб улгуриши керак эмиш. Одамлар келганидан саросимага тушган чолу кампир ёлворибдилар. Бизни шундай аҳволда қолдирма. Табиатнинг суюклиларидан бўлайлик. Шундай дейишибди-ю, икки кумуш каптарга айланиб, деразадан учиб чиқиб кетишибди. Шу ҳудуднинг номи тожикча талаффузда Каптаркумуш бўлиб қолган экан.

Илгарилаб бораверамиз. Сойлардан ўтамиз. Бодаксой, Урунгачсой. Пском йўли тошлоқ экан. Тепаликка кўтарилаверамиз. Пастга қарасанг, юрагинг орқага тортиб кетади. Лекин ҳайдовчи хотиржам. Бу йўлларнинг роса ҳадисини олган. Сойлардан ўта-ўта Псқомдаги 45-умумтаълим мактабига кириб келганимизда, ёшу қари байрам кайфиятида эканининг гувоҳи бўлдик.

Мактабга Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева бошчилигида шоираю олималар ва санъаткорларнинг ташрифи қишлоқ аҳлини қувонтириб юборди.

Ёмғир томчилай бошлади. Мактаб ичкарисига таклиф этишар экан, бу бизнинг барака ёмғиримиз, ғуборларни олади, ҳаво янада мусаффолашади, дейишди хурсанд қариялар. Суҳбат жонли тус олади. "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтган тадбирда истиқлол йилларида аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар, қулайлик ва қўлга киритилган ютуқлар, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, суюкли Ватанимизнинг гуллаб-яшнаётгани ва умуман, таниб бўлмас даражада ўзгараётгани ҳақида сўз боради. Таълим тизимимизнинг бутун жаҳонда эътироф этилгани, соғлиқни сақлаш борасидаги ислоҳотлар тилга олинди.

(Давоми 4-бетда).

Мустақилликнинг 22 йиллиги олдидан

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН НЕЪМАТЛАР



"Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" ғояси, яъни сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотларнинг бош мақсади инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг тўкис ва фаровон яшашини таъминлашга қаратилган. Бинобарин, Конституциямизнинг 13-моддасида айнан инсон манфаатлари юртимизда бош масала экани қонуний мустаҳкамлаб қўйилган: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Истиқлол йилларида демократик фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этиш, янги-янги қонунлар қабул қилиб, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда эришилган улкан ютуқларимиз демократия борасида қандай юксак даражаларга етганимизни исботлаб турибди.

"Ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш, – дейилади Юртбошимизнинг "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" асарида. – Инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади. Ҳақиқий хўжайин раҳбарлик қилаётган корхонанинг ривожланиш истиқболлари ҳамиша ёркин ва аниқ-равшан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳаммадан кўра юқори, оладиган фойдаси ҳам, ходимларининг иш ҳақи ҳам анча юқори. Бизда ҳақиқий, мустақил мулкдорлар қанча кўп бўлса, барча кишиларнинг ўз меҳнатлари эвазига юқори иш ҳақи олишларига имкон берадиган иқтисодий шарт-шароитни шунча тез вужудга келтирамиз". Истиқлол йилларида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга тараққиёт омили сифатида қаралди. Авваламбор бозор иқтисодиёти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида тўла куч билан амал қилади. Демак, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг катта қисми шу соҳага тўғри келаётганини фуқаро сифатида, шу она юрт фарзанди сифатида ҳар биримиз тўла англаб етмоғимиз зарурдир. Буларнинг ҳаммаси истиқлолимиз бизларга берган неъмат эмасми?!

Хуллас, мустақиллик йилларида эришган ва эришаётган ҳайратланарли ютуқларимиз шуни яққол кўрсатадики, биз кўзланган мақсадлар, белгиланган дастурий режаларни тўлатўкис рўёбга чиқариб бормоқдамиз. Истиқлол туфайли истеъдодли, иқтидорли халқимизнинг ижодкорлиги, бунёдкорлиги юзага чиқмоқда. Унинг янги, адолатли, ҳур, озод фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги азму қарори, салоҳияти, ақл-заковати тўла куч билан намоён бўлмоқда. Бинобарин, биз бугун забт этган марраларга, таянч нуқталарга асосланиб, устувор тараққиёт йўналишларини белгилаб олган ҳолда келажак сари янада дадил ҳаракатланмоғимиз, ижтимоий ҳаётнинг беистисно барча бўғинларида чуқур сифат ўзгаришларига эришмоғимиз лозим.

Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз тўғри йўлни танлаганмиз, ислоҳотларнинг асосий тамойилларини тўғри белгилаб олганмиз, янгиланиш ва тараққиёт йўлининг Ўзбекистон модели ўзини тўла-тўкис оқлаб, муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда, деб айтишимизга асос бор.

Шундай экан, тобора яқинлашиб келаётган байрамона кайфият дилимизнинг туб-тубидаги айрим фикрларни баралла айтиш учун ўзига хос шукуҳ бағишлайди.

**ҚАДР-ҚИММАТИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!**

Негаки, инсон учун энг ардоқли нарса нима? Она Ватан. Энг муқаддас қадр-қиммат, ҳурмат-эҳтиром, бахт-саодат, туйғу недир? Она диёрни севиш, кўз қорачиғидай асраш, авайлаш.

**ТАЯНЧИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!**

Негаки, Ўзбекистонимиз содда, беҳашам, бесурон, осуда, камтар яшайдиган меҳнаткаш, эзгу тилакли халқни бағрида ардоқлаётган чин маънодаги истиқлол Ватанига айланди.

**ИФТИХОРИМСАН – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!**

Негаки, дунёда энг муқаддас, ноёб ва танқис бахт бор. У – Ватанни севиш бахти. Ватанни севиш, унинг камоли учун қайғуриш, у билан фахрланиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган туйғудир. Шундай фахр-туйғу бор юртда дард чекинади, бахтиёрлик қарор топади.

Хулоса қилиб айтганда, бизни йўргаклаган, бизга волида бўлган Ватаннинг тақдири бизнинг қисматимиздир. Бизга ҳаёт, ишқ, қўшиқ берган шу Ватан остонаси тиллодан бўлсин учун, унинг боши омон, эл-юрт дориламон бўлсин учун тилаклар билдирайлик, орзулар қилайлик.

**Мирбаҳодир БАДАЛОВ, юридик фанлари доктори, профессор. Мирислом БАДАЛОВ, тадқиқотчи.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**Юртимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги байрамига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда қайга борманг, ҳар жабҳада янгилик. Айниқса, шаҳар ва туманларда, ҳатто, чекка қишлоқларда қад ростлаётган замонавий, муҳташам бинолару иншоотлар байрамга муносиб туҳфа бўляпти.**



# БАЙРАМГА ХОС МАҲОБАТЛИ ТУҲФАЛАР

Олмалиқ шаҳар ҳокимлигининг қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича бош мутахассиси Муҳиддин Нажмидинновга шаҳарликлар байрамга қандай тадорик кўраётганларини сўраб қўнғироқ қилдик.

– Бизда янгиликлар кўп, – дейди у. – Байрам куни 15 минг ўринли янги марказий стадионни ишга туширамиз. Унда спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланиш, нуфузли мусобақаларни бемалол ўтказиш мумкин. Ўриндиқ ва жиҳозларни унча-бунча жойда учратмайсиз. Ёшларимиз анчадан бери шундай замонавий стадионлари бўлишини орзу қилишарди. Унинг очилиш маросимига 2000 дан зиёд меҳмон таклиф этганмиз. Сизлар ҳам бирга бўласизлар.



Шаҳарнинг Тинчлик кўчасидаги 21-умумтаълим мактаби мукаммал таъмирланди. "Баркамол авлод" болалар маркази ҳам байрам баҳона янгича қиёфа касб этди. Энди ўғил-қизлар марказда очилган севимли тўгаракларига яна қатнай бошлашади. Навоий тоғ-металлургия институтининг Олмалиқ шаҳар филиали таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Вилоят ҳокимлигининг оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири Кифоят Эрмуҳамедова берган маълумотга қараганда, байрам арафасида шаҳар ва туманларда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ишга тушади. Уларни бирбир санашга бармоқ етмайди.

Қибрай туманининг ўзида резина маҳсулотларини қайта ишлайдиган "Buryonok lyuks" цехи, гўшт ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Исам барака бизнес" корхонаси, "Ютм-парранда" масъулияти чекланган жамияти ишга тушиш арафасида.

– Тадбиркорлик ва ишбилармонлик қибрайликларнинг қонида бор, десам лофга йўйманг, – дейди Салор шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси А. Холмуродов. – Ҳозир олма пиш, оғзимга туш билан тирикчилик қилиб бўлмайди. Шу сабаб йилдан-йилга тадбиркорлар сафи кенгайяпти. Кетма-кет қуриб битказилаётган бир-биридан чиройли бинолар ҳудудимизга янгича қиёфа бахш этаяпти. Тадбиркорлик субъектлари фаолият бошлаши билан кўплаб фуқароларимиз доимий иш жойига эга бўлишди.

"Турон Афросиёб замини", "Қибрай ҳамкор савдо", "Аравон" каби хусусий ва кичик корхоналар шу кунларда иш бошлайди.

Зангиота туманида ҳам янгиликлар бисёр. Тадбиркор Шаҳодат Жўраотахўжаева ташаббуси билан чинни буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех қуриб битказилди. Тадбиркорлик тузилмасида чинни буюмларнинг энг замонавийлари савдога чиқарилади. Бу ерда 10 киши ишга қабул қилинадиган бўлди. "Zarin Invest" корхонасидагилар полиэтилен қоплар ишлаб чиқариб, ички бозоримизни тўлдиришни ният қилган бўлсалар, Шерзод Ниёзов раҳбарлигидаги янги корхонаси чиқарадиган суюқ ойна маҳсулотларига мижозлар билан аллақачон шартномалар имзоланган.



Шунингдек, замонавий савдо мажмуаси, автомобилларга газ тўлдирувчи қатор компрессор шахобчалари, дўкон ва омборхоналар маҳаллий аҳолининг оғирини енгил қиладиган бўлди.

Чирчиқ шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлимидаги реконструкция ишлари якунига етай деб қолди. Бунинг учун 1,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

– Юмшоқ мебель тўпламлари, лабораториямиз учун керакли тиббий жиҳозларнинг келтирилиши кўнглимиздаги иш бўлди, – дейди тиббиёт маркази бош шифокори С. Мирзараҳимова. – Энди таҳлил ўтказиш учун кўп вақт кетмайди, беморлар навбат кутиб қолишмайди.

Шаҳардаги 20-умумтаълим мактабининг мукаммал таъмири учун давлат бюджетидан 463 миллион сўм ажратилди. "Навфар" қурилиш хусусий фирмаси бинонинг томи ва иситиш тизимини алмаштирди. Кимё хоналари ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Кириш йўлаклари, фойе ва спорт залидаги деразалар замонавийсига алмаштирилди.

Бундан ташқари, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳудуд тозалиги ва ободончиликка алоҳида аҳамият бераяпти. Шу кунларда шаҳарда 5 минг километрдан зиёд ариқ, зовур ва лотоклар тозаланди. 11 минг туп гул ва 4 мингдан зиёд дарахт кўчатлари экилди.

"Бекободсавдомажмуаси"нинг янги шахобчалари, "Ёшлик" болалар спорт майдончаси, 200 ўринли 20-мусиқа ва санъат мактаби бутунлай янги қиёфа касб этди.

Чиноз томонларда ҳам яхши ишлар қилиняпти. Янги иш бошлаган ғишт ишлаб чиқариш ва тикувчилик цехларининг илк маҳсулотлари харидорларини топмоқда. Тўртта мини футбол майдончаси бўлажак футбол юлдузларига туҳфа бўлди.

Хуллас, таҳририятимизга байрам муносабати билан шаҳар ва туманларда қуриб, фойдаланишга топширилаётган объектлар, иншоотлар ҳақида самимий хабарлар келиши давом этяпти.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

# ЭЛГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАЙЛИК!

**Аввал хабар қилинганидек, Бўстонлиқ туманидаги "Келажак" оромгоҳида ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар учун 10 кунлик тарбия ва спорт оромгоҳи ташкил этилган эди.**

Куни кеча вилоят ҳокимлигининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида "Мустақил она юртимизга муносиб фарзанд бўлайлик!" шиори остида ташкиллаштирилган 10 кунликнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Оромгоҳда шаҳар ва туманларнинг тегишли ташкилот ва муассасалари "Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз! ОИТСсиз келажак сари" лойиҳаси, "Мен катта бўлганимда қандай касб устаси бўламан?" расмлар танлови, "Аччиқ қисмат", "ОИТС ва гиёҳвандлик" ҳужжатли фильм намойиши, "Катта ҳаётга тайёрмисиз?" мавзусида давра суҳбати ва "Эстафета" спорт мусобақалари каби турли маданий, маърифий, маънавий тадбирлар уюштирди.

– Менга бу ер жуда ёқди, – дейди тадбирлардан мароқли ҳордиқ чиқаргани шундоққина юз-кўзидан билиниб турган бекободлик Лолита Шайкина. – Ҳар дақиқа унутилмас воқеаларга бой бўлди. Янги дўстлар орттирдим. Бунинг учун ташкилотчиларга раҳмат. Бошланаётган янги ўқув йилида аъло баҳоларга ўқиб, уларнинг ишончларини оқлаймиз.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

Бандлик

# ИШЛАГАН ФАРОВОН ЯШАЙДИ

**Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бандликка кўмаклашиш маркази 2013 йилда махсус дастурга мувофиқ 86 минг 773 та янги иш ўрни яратишни режалаштирган. Изчил саъй-ҳаракатлар натижасида йилнинг 6 ойида 44 минг 295 та иш ўрни очилди.**

– Аҳолини иш билан таъминлаш ва шу орқали даромад манбаларини шакллантиришда ҳукумат қарорлари ва Президент фармонларига мувофиқ яратилаётган имтиёз ва имкониятларнинг аҳамияти катта бўлмоқда, – дейди марказ бош мутахассиси Ҳасан Абдураҳимов. – Масалан, Юртбошимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида 2013 йилнинг биринчи ярмида 4766 та касаначилик иш жойлари ташкил этилди. Уларнинг 1258 таси бевосита йирик саноат корхоналарида яратилган бўлса, 3508 таси ўрта ва кичик саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Энг муҳими, касаначилик хотин-қизлар ва кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож уй бекаларини фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамда оилаларнинг қўшимча даромадга эга бўлишига хизмат қилмоқда.

2013 йилнинг биринчи ярмида вилоят туман ва шаҳарларидаги бандликка кўмаклашиш марказларига 14 минг 283 фуқаро иш масаласида мурожаат қилди. Уларнинг 92,6 фоизи ўз касби ва қизиқиши бўйича ишга жойлаштирилди. Қолганларига меҳнат қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда зарур маслаҳатлар берилди. Бир сўз билан айтганда, ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмади.

Республикада ёшларни, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз касблари бўйича ишга жойлаштириш устувор вазифа. Бандликка кўмаклашиш маркази "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида белгилаган чора-тадбирларда ҳам бу масала алоҳида ўрин олган. Айниқса, жойлардаги корхона, ташкилот, муассаса ва банклар билан ҳамкорликда иш олиб борилаётгани яхши самара бермоқда. Энг муҳими, амалий маслаҳат ва имтиёзли банк кредитлари ҳисобига ёшлар ўз бизнес-режасини амалга ошириб, кўплаб янги иш ўринлари очиб, бандликни таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Танлов

# ИЖОДИМИЗ СЕНГА, ОНА ВАТАН!



Марказнинг фойесида катта кўргазма ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари танлов қатнашчилари тайёрлаган ажойиб фотосурат ва эскизларни завқ билан томоша қилдилар. Таъкидлаш жоизки, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ижроси мавзусига оид ижод намуналари танловга тақдим этилган ишларнинг асосий қисмини ташкил этади.

– Қаранглар, 22 йиллик қисқа даврда шаҳар ва қишлоқларимиз жамоли қай даражада ўзгариб кетди, – деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Ёзувчи ва шоирлар, журналист ва рассомлар Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни, халқимизнинг кенг кўламдаги яратувчан меҳнатлари самарасини янада фаолроқ ёритишга ҳаракат қилмоқдалар. Ушбу танлов унда иштирок этиш истагида бўлган ижодкорларнинг маҳоратлари янада ошиб боришига хизмат қилиши шубҳасиз.

Танлов якунига мувофиқ, газета ва журналларда босилган мақолалар, радиоэшиттириш ва телекўрсатув, ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, тасвирий санъат йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди. Таниқли журналистлар Манзура Алиохунова, Ойсара Дадаева, Каримқул Мавлонов, Ҳасан Абдуллаев, олим Абдурашид Ҳасанов, ёш иқтидорли дизайнер Азиз Ҳакимбоев танлов совриндорлари бўлишди. Гулбаҳор Ортиқхўжаева, Муҳаббат Абдуқодирова каби бошловчи адибларнинг ишлари ҳам юксак баҳоланди.

Шуниси қувончлики, танлов ғолиблари орасида таҳририятимиз ижодий ходимлари Сергей Мутин ва Еркебой Ботиров ҳам бор.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**Тошкент Давлат аграр университетида республика Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида "Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

# НАМУНАЛИ, ФАОЛ, ЗАМОНАВИЙ...

Маҳалла, мактаб, касб-ҳунар коллежи, академик лицей, олий ўқув юрти, тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари ушбу танлов сабаб кейинги йилларда ўз йўналишларини топиб, низомий вазифаларини талаб даражасида бажаришга эришмоқда. Жамият тараққиётига дахлдор бу мўъжаз ташкилотларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева шундай дейди:

– Мустақил, озод диёримиз кундан кунга яшнаб, яшариб бораяпти. Энди 22 йиллик тараққиёт йўлимиз, шунга яраша ҳаёт тажрибамиз бор, ҳар бир довонни дадил забт этаётган мардона халқимиз бор. Лекин, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсатини тўғри англаб, эзгу ният ва мақсадларни халққа етказадиган фидойиларимизсиз мурод ҳосил бўлиши қийин. Хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилоти раислари таъбир жоиз бўлса, шундай фидойи инсонлардир. Улар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётгани қувонарли. Ўтган йили 3277 та, бу йил эса 3413 хотин-қизлар бошланғич ташкилотлари танловларда қатнашмоқда. Улар ёрдамида ижтимоий-маънавий муҳит яхшиланиб, соғлом турмуш тарзи қарор топиб, оилалар мустаҳкамланиб, турмушимиз ободлик сари юз тутаётир. Юртбошимиз ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятига алоҳида эътибор бериб, ходимларнинг бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлиги, улардан 5 нафари бизнинг вилоятимиздан эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

– Мактабимиздаги 98 ўқитувчининг 58 нафари хотин-қизлар, – дейди Олмалиқдаги 18-умумтаълим мактаби хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Муқаддас Эшбоева. – 48 та синф ўқувчиларининг ярмидан кўпи қизлар. Ҳар бирининг ўз олами, ички дунёси, оилавий шароити бор. Раис сифатида уларнинг ҳар бири билан тил топишишга ҳаракат қиламан. 7 кишидан иборат ишчи гуруҳимиз билан режа тузиб, шу асосда иш олиб боряпмиз. Шунинг учун бизга ажратилган хона доимо аёллар билан гавжум бўлади. Баъзан қизларимиз онасига ҳам айтолмаган сирлари билан ўртоқлашиб, маслаҳат сўрашади. Тўғрисини айтсам, ёшларимизга, айниқса, қизларга маънавий-руҳий мадад, тиббий маслаҳат жуда зарур...

Танлов қатнашчиларининг ҳар бири ўз ишининг фидойиси экани кўриниб турибди. Лекин ҳакамлар ҳайъати энг намунали хотин-қизлар бошланғич ташкилоти номига муносибларни танлашда 12 банддан иборат баҳолаш мезони асосида қуйидаги ташкилотларни республика босқичига тавсия этди.

1-ўрин ангренлик Маъмура Усмонова (мактаб), Ҳакима Бекмирзаева (соғлиқни сақлаш), бекободлик Марҳабо Усмонова (корхона), қибрайлик Муҳаббат Мирсолиҳова (маҳалла), Манзура Ҳасанжонова (коллеж), Дилбар Холиқова (Аграр университет); 2-ўрин Ангрен ТВДПИ Дилфуза Шодиева, Олмалиқдан Насиба Ҳакимова (тиббиёт), Қибрайдан Наргиза Қобилова (мактаб), Ўрта Чирчиқдан Муслима Тўраева (коллеж), Зангиота туманидан Фотима Шерматова (маҳалла), Оҳангарон туманидан Лазокат Назарова (корхона); 3-ўрин Олмалиқдан Инобат Йўлдошева (олий таълим), Янгийўл туманидан Умсиной Ҳожиева (тиббиёт), Оҳангарон туманидан Зулхумор Йўлдошева (мактаб), Пискентдан Зулхумор Ортиқова (маҳалла), Чирчиқ шаҳридан Махсума Аъзамова (корхона)га насиб этди.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЯПТИ

**"Бекободни обод шаҳарга айлантирайлик" шиори остидаги ҳаракат кенг оммалашиб бормоқда. Шаҳар жамоатчилиги мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ҳар бир ҳудуд ва гўшани обод масканга айлантириш ташаббуси билан чиқди.**

Бу хайрли ишда "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти жамоаси фаол иштирок этмоқда. Нафақат корхона ҳудудини, балки ишчи-хизматчилар истиқомат қилаётган даҳа, маҳалла, кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш режасига мувофиқ ҳашарлар ўтказилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлардан ҳеч ким четда қолмаяпти. Ҳозиргача металлурглар 10 минг тупга яқин гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишди.

**Шаҳло ИСАЕВА.**

Истеъмолчи доимо ҳақ

# МУРОЖААТЛАРНИНГ БАРИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

**Бу саволга бир оғиз сўз билан "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бериш қийин. Бироқ, Олмалиқ шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ходимлари савдодаги ғавғоларни ҳеч бўлмаса камайтиришга ҳаракат қилишяпти. Бунинг учун истеъмолчилардан тушаётган ёзма, оғзаки ва ишонч телефонлари орқали мурожаатларни бевосита жойига чиқиб ўрганиб, муаммони одилона ҳал этиш чораларини кўришаяпти.**

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бирлашмаси таҳририятига тақдим этган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, савдо-сотиқка ихтисослашган айрим хусусий тадбиркорлар ҳамон қонунларга бефарқ муносабатда бўлиб, истеъмолчилар манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини поймол қилишдан тийилмаяптилар. Шаҳар бозори ёнидаги қурилиш моллари дўкони эгаси М. Исматова ҳам истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларига бефарқ-бепарво тадбиркорлардан дейиш учун етарли далиллар бор.

Бирлашма тақдим этган маълумотларда келтирилишича, олмалиқлик А. Котикова ушбу қурилиш моллари дўконидан 7200 сўмга 4 дона парма сотиб олди. Уйига олиб келиб қарагач, булар бетон деворларни тешишга мўлжалланганини билди. Дўконга бориб, уни темирни тешадиганига алмаштириб беришларини сўради. Дўкондагилар буноқаси йўқлигини айтишди-ю, бироқ истеъмолчининг пулини қайтариб беришдан бош тортишди. А. Котикованинг мурожаатига мувофиқ муаммога истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти аралашгач, 7200 сўм пул эгасига қайтарилди.

Чирчиқ кўчаси 21-уйда яшовчи Ш. Ибодуллаевдан тушган аризада айтилишича, у "Samsung" 3600 русумли уяли телефонини шу йил февраль ойида таъмирлаш учун "Алоқа" маҳалласидаги устахонага топширган. Уста эса, турли баҳоналар билан ишни шу пайтгача чўзиб келган. Оқибатда истеъмолчи шаҳар жамиятига мурожаат қилди. Ўша куниёқ телефон таъмирланиб, эгасига қайтарилди.

Барно Қаюмова савдо ходимларининг қонунбузарлиги сабабли поймол этилган ҳақ-ҳуқуқини тиклаб олгунча, кўп овораю сарсон бўлди. У ўтган йилнинг ноябрь ойида "Ойдин" маҳалласидаги дўконларнинг бирида 1 миллион 300 минг сўмга "ROISON" русумли рангли телевизор сотиб олди. Аммо, оиланинг қувончи узоққа бормади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, аниқроғи 2013 йил январь ойи ўрталарига келиб, телевизор кўрсатмай қўйди. Овоз бор, тасвир йўқ. Харидор телевизорга тегишли 3 йиллик кафолат ҳужжатларини олиб бориб, дўконга топширди. Шундан сўнг дўконга тинимсиз қатнаш бошланди. Дўкондорлар ҳар сафар "Телевизорни сервис марказига топширганмиз, ҳали тузатишмапти" деган жавобдан нарига ўтишмасди.

Орадан беш ой ўтсада, ҳамон телевизордан дарак йўқ. Иложсиз қолган Б. Қаюмова жамият ходимларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шундан сўнгина сервис марказида телевизорга керакли эҳтиёт қисм йўқлиги маълум бўлди ва истеъмолчининг эскиси билан телевизор янгисига алмаштириб берилди.

Светлана Поспелова савдо ходимларининг харидорларни менсимай, лоқайд муносабатда бўлишларидан кўп азият чекди. "Ойдин" маҳалласидаги мебель дўконига буюртма берди. Дўкондорлар буюртманинг 420 минг сўмлик қисмларини тайёрлаб беришди-ю, телевизорнинг остига қўйиладиган столга келганда, обдон чўзишди. Хуноби ошган буюртмачи тегишли жойга мурожаат қилди. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти муаммони қонуний ҳал этди. Дўкон ходимлари буюртма столни зудлик билан эгасига етказиб беришди.

– Энг кўп муаммо ҳамон коммунал, яъни электр энергияси ва табиий газ учун тўловлар жараёнида юз бераяпти, – дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси мутахассиси Гавҳар Соатова. – Масалан, Янгийўл туманидаги Эски Қовунчи қишлоғида яшовчи И. Исрамалиевнинг "Янгийўлгаз" филиали ноқонуний талаб қилган 510 минг сўми ҳамда Халқободдаги "Ватан" маҳалласидан Ш. Йўлдошеванинг 3 миллион 100 минг сўми истеъмолчилар фойдасига ҳал қилиб берилди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий офёрта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади

**Сотувчи:** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси. **Сотувчининг манзили:** 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй. **Алоқа телефонлари:** (8-371) 268-23-21, 268-27-29; **факс:** 268-27-29.

**Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:**

| № | Объект номи | Объект манзили номи, манзили | Балансда сақловчининг | Объект тавсифи нархи, сўм | Сотиш таклиф қилинаётган миқдори | Энг кам инвестиция | Хусусийлаштирилиши белгиланган ҳукумат қарори |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Дўкон бино иншоотлари | Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 6-уйнинг биринчи қавати | Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 1 | Бинонинг қурилиш ости майдони – 1430,08 кв.м., Фойдаланиш майдони – 1187,67 кв.м | 723 424 500,0 сўм | – | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| 2 | "Нотурар-жой" биноси | Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, "Наврўз" ҚФЙ., Наврўз маҳалласи | Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони | Ер майдони 1,03 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 1455,72 кв.м. | 674 013 600,0 сўм | Энг юқори миқдорда инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| 3 | 246-уйнинг биринчи қаватида жойлашган "Нотурар жой" қисми | Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчаси | Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 1 | Бинонинг қурилиш ости майдони – 93,47 кв.м., Фойдаланиш майдони – 71,85 кв.м | 55 559 800,0 сўм | – | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| 4 | Гараж, устахона ва омборхона бинолари | Тошкент вилояти, Паркент тумани, Чанги қишлоғи | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Қуёш қўрғони | Ер майдони 1,57 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 988,49 кв.м. | 205 577 200 сўм | 102 500,0 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш | ВМ – 256 7.09.2009 й. ВМ – 207 18.07.2011 й. |
| 5 | Фаолият юритмаётган собиқ "Паргос нефть базаси"га қарашли мулклар | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Товоқсой қўрғони ГЭС кўчаси | "Кучлик нефть базаси" УК, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Кучлик станцияси, Бобур кўчаси, 58-уй | Ер майдони 0,5108 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 193,0 кв.м. | 304 665 872,0 сўм | Сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида 2013 йил 24 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари):

1. Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш.
2. Тўлов муддатини қисқа муддатларда амалга ошириш.
3. Сотувчи билан 20 кун муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти: 2013 йил 23 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Тўғридан-тўғри (оммавий офёрта) музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

– қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари;

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларига хабар қилишингиз сўралади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан тўғридан-тўғри (оммавий офёрта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига чиқарилиб, офёрта савдоларини ўтказиш комиссиясининг 2013 йил 19 июлдаги йиғилиш баённомасига ҳамда Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 23 июлдаги 105 и/ч-сонли буйруғига асосан тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали сотилган давлат активи:

1. Паркент тумани ҳокимлигига қарашли, Паркент тумани, Истиқбол кўчасида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 0,262 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 253,36 кв.м.га тенг бўлган нотураржой биноси, бошланғич баҳоси – 148 172 400,0 сўм, сотилиш баҳоси – 148 500 000,0 сўм.

### "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч. "IVEKO" д.р. 31 R 1924. Бошланғич баҳоси – 93 704 987.55 сўм. 2. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч. "Hatsan" д.р. 31 R 2316. Бошланғич баҳоси – 49 350 514.5 сўм. 3. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2012 й. № 1-985/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. "Ласетти" д.р. 60 151 JAA. Бошланғич баҳоси – 42 810 293.7 сўм. 4. Чилонзор тумани СИБ томонидан 23.11.2013 й. № 1-113/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. "Нексия" д.р. 30 Y 5007. Бошланғич баҳоси – 23 533 157.94 сўм. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, "Spase Arsenal Servis" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 2 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 5. Бектемир тумани СИБ томонидан 08.04.2013 й. № 1-74-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1977 й. и.ч. "Ваз-2103" д.р. 10 R 769 CA. Бошланғич баҳоси – 6 102 569.60 сўм. 6. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1991 й. и.ч. "ГБАСПГ КАВЗ 3271" д.р. 01 823 NBA. Бошланғич баҳоси – 5 723 446.40 сўм. 7. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1987 й. и.ч. "ГБАСНГ Газ 5205" д.р. 01 935 TBA. Бошланғич баҳоси – 3 049 291.20 сўм. 8. Бектемир тумани СИБ томонидан 01.05.2013 й. № 1-237-сонли ижро ҳужжатларига асосан 1974 й. и.ч. "Ваз 2103" д.р. 10 S 081 DA. Бошланғич баҳоси – 5 825 356.60 сўм. 9. Бектемир тумани СИБ томонидан 11.01.2013 й. № 1-57-сонли ижро ҳужжатларига асосан 2007 й. и.ч. "Газ 33020214" д.р. 01 418 DCA. Бошланғич баҳоси – 45 000 000 сўм. ИИБ Ахборот марказида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 17 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

Гувоҳнома № 004593.

### "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Чилонзор тумани СИБ томонидан 29.08.2012 й. № 1-549/12-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор 1-мавзеси, 36-уй, 1-хонадон. Бошланғич баҳоси – 93 248 105 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 2 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

### "REAL AUKSION" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Зангиота тумани СИБ томонидан, 2012 йил 19 сентябрдаги № 11517/6-сонли ижро ҳужжатига асосан: "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖда сақланаётган: I. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: йўқ, техник носоз, бошланғич баҳоси – 274 000 сўм бўлган "ЗАЗ-968" русумли; II. 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 I 5841, техник носоз, бошланғич баҳоси – 3 883 000 сўм бўлган "ВАЗ-21011" русумли; "Эшонгузар Савдо Файз" МЧЖда сақланаётган: 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 V 951 FA, техник носоз, бошланғич баҳоси – 8 435 000 сўм бўлган "Матиз" русумли; 2012 йил 21 июлдаги № 1-355/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: "Зангиота тумани СИБ"да сақланаётган: I. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 L 094 DA, техник носоз, бошланғич баҳоси – 16 346 000 сўм бўлган "Матиз" русумли; II. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01 E 106 GA, техник носоз, бошланғич баҳоси – 25 397 000 сўм бўлган "Нексия" русумли; автортранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2013 йил 17 сентябрь куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ХЁАТБ "HI-TECH BANK"даги қуйидаги махсус аукцион ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904996600001, МФО 01066, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 8 августдаги 48-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

**Тошкент вилояти Пискент туманидаги «ASADBEK-HONDAMIR» МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2011 йил 28 октябрь куни берилган "АТ" серияли 000453 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 9 августдан бошлаб 10 (ўн) иш кунига тўхтатилганлиги тўғрисида маълумот беради.




"AGMA FURNITURE" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 2006 йил 25 декабрда № 002539-04 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "DIZ MASTER SERVIS" (ИНН 300098598) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ.**

Якка тартибдаги тадбиркор Юсупов Муроджон Аминжон ўғлига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную справку форма 18, выданную Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчма мулк кадастр хизмати за № 5328 от 26.12.11 г. на ООО "TO'RAXO'JA SAVDO" на помещение по адресу: Юнусабадский район, кв. 25, дом 71-72-Б, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент Давлат политехника институти томонидан 1990 йилда Мухтаров Нуриддин Муратович номига берилган ФВ № 922623 (тартиб рақами № 8620 в 3) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2012 йил 14 ноябрда № 008332-08 сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "SAYOHAT KOMMUNAL LYUKS" (ИНН 207163508) профессионал бошқарув компанияси масъулияти чекланган жамиятининг устав жамғармаси 68 000 000 сўмдан 60 100 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Даъволар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Наққошлик кўчаси, 3-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Утерянный аттестат № 448449, выданный в 1994 г. школой № 53 Зангиатинского района Ташкентской области на имя Гуламовой Лайло Ташболтаевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 2 ноябрда 006181-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ART FILM" (ИНН 207163128) масъулияти чекланган жамияти Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 2006 йил 12 июнда 001573-03 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ART MEDIA" (ИНН 206647481) масъулияти чекланган жамияти таркибига тўлиқ бирлашишини маълум қилади.

"ART MEDIA" МЧЖ "ART FILM" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади ҳамда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 19 апрелда № 001616-05 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "STAR-TEKS-SERVIS"(ИНН 300025252) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (13.08.2013 йилдаги таъсисчи қарори).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, А. Шошоий кўчаси, 4/25-уйда қабул қилинади. Тел.: 311-34-04.

"SILVER VENTURES" МЧЖ "OLIMPIK-MEDIA" МЧЖнинг таркибидан ажралиб чиқиши ҳамда "OLIMPIK-MEDIA" МЧЖнинг устав жамғармаси 64 492 606 сўмдан 55 840 923 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Чилозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2006 йил 24 апрелда № 001916-08 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "OLJA SAVDO BIZNES" (ИНН 206465227) хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ** (12.08.2013 йилдаги 6-баённома).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Чилонзор тумани, 8-мавзе, 53-уй, 38-хонадон манзили ва (+99890) 612-26-47 телефон рақами орқали қабул қилинади.

**СП ООО «NATIONAL PLAST»**

**приобретает переработанные отходы из ПВХ.**

**Обращаться по телефону: (+99871) 221-41-26.**

Юрт оҳанграбоси

# ТАЪРИФИГА ТИЛ ОЖИЗ

Қишлоқдагилар эса Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида ҳар бир хонадондаги ободонлаштириш ишлари ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Мактаб битирувчилари касб-ҳунар коллежларига кириб ўқиб, қишлоқда ҳам шаҳардагидек уйлар қуриш ниятида эканларини билдирдилар.

Шоира Зарифа Эралиева Ватан, она юрт ва соф муҳаббатни тараннум этувчи шеърларини ўқиганда, нуроний онахонлар сел бўлиб тингладилар. Кимларнингдир кўзларида ёш қалқиди.

– Карнай-сурнай чалиниб, оппоқ кийимдаги келинчак саломга эгилганда кўзларимга ёш келади, яхши шеър тинглаганимда эса юрагим тошади, – дейди такаёнғоқлик Омонгул опа. – Шундай учрашувлар, жонли мулоқотларнинг чекка қишлоқларда ўтказилиши қандай яхши. Бундайин ҳордиқдан кўнгилларга сурур кирди.

Ёмғир ёғиб ўтди. Мактаб ҳовлисида ўйин-кулги авжига чиқди. Хонандаларнинг хонишлари тоғлар бағрида ўзгача жаранглади. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфидаги бадиий жамоалар хонандалари Феруза Абдуллаева, Дилбар Назированинг чиқишлари қишлоқ аҳлига маъқул бўлди. Энг эътиборлиси, барча қўшиқлар жонли ижро этилди.

– Қўшиқни шундай чиройли айта оласизлар деб ўйламаган эдик, чунки кўпчилик фонограммага ўтиб олган, сизларга минг раҳмат, – дейишди онахонлар.

Шу куни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати З. Эралиева, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари А. Абдужамилов, Э. Саримсоқов Дадабоев қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиб чиқдилар. 45-умумтаълим мактабининг спорт залидаги носозлик ва уни таъмирлаш, электр тизимидаги узилишлар, йўлларни тузатиш каби масалаларни ўзларининг кун тартибидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қаторига киритганларини аҳолига маълум қилдилар.

Мактабдаги тадбир ниҳоясига етди. Кимлар завқ билан рақсга тушди. Ким дилдан суҳбат қурди.

– Вилоят ҳокимлиги обод қишлоқ ва маҳаллалар тўғрисида эълон қилган танловни биз ҳам ўқидик. Бизнинг қишлоғимизда барча хонадонлар обод. Гул экишни яхши кўрамиз, – дейишди қишлоқ аҳли ва сўзларининг исботи сифатида хонадонларига таклиф қилишди. Сотиболди ва Зарогул Файзиевлар хонадони гулзорга айлантирилган экан. Шаҳардаги уйлардан қолишмайди. Энг асосийси эса ўчоқбоши, тандирхона табиий лойдан сувоқ қилинган. Ҳаммом, уй ичидаги сув қувури ҳамманинг ҳавасини келтирди.



Булоқлардан қувур орқали келтирилган сув ёқимли, шифобахш.

– Гулларни Андижондан келтирдим, – дейди Зарогул опа фахрланиб. – Қаранг чиройлилигини. Андижонда дўсту ёрларимиз кўп. Улар ҳам тез-тез келиб туришади. Куни кеча акангизнинг дўстларини кузатиб қўйдик. Қани, нондан олинглар, – тандирдан ҳозиргина узаётган нонини тутади, опа.

Пскомдан икки соатли йўлда, жуда юқори ҳудудда Одинаўлгансой бор. Унинг таърифи ҳам ажойиб. Ривоятларга қараганда, Қорақиз ҳамда Одина исмли йигит бир-бирларига кўнгил қўйган эканлар. Бироқ бу муҳаббат тўсиқларга учрабди. Севишганлар қочишга қарор қилишибди. Уларни ушлаб олган акалар энг аввал сингилларини ўлдирибдилар. Кейин эса йигитни чопиб ташлашибди. Қиз билан йигитнинг қони тўкилган жойда сойлар пайдо бўлибди. Қорақизсой ва Одинаўлгансой. Бу сойлар ҳам Пскомга қуйилади. Ривоятларда қанчалар ҳақиқат бор, буни билмаймиз. Лекин ошиқ қалбларнинг сув бўлиб катта дарёга қуйилиши, атрофга ҳаёт бағишлаётгани айни ҳақиқат.

Ўтган асрнинг 70-йилларида синглим Татаристонга ўқишга кетди. Отам тез-тез хабар олишини қўймасди. Биз эса қизғанишни. Гўёки синглим шоҳона яшайдигандек, афсоналарга кўмилиб кетгандек. Айниқса, у ёқларнинг дарёлари, ўрмонлари гўзал дейишди. Гўзаллик қошига чақиргандек, ўрмонлар имлаётгандек...

Отамни бир амаллаб кўндираман-у, синглим яшайдиган юрт сари ошиқаман. Отам самолётга кузатиб қўйиб: "Сен айтган дарёларни мен ҳам кўрганман. Чиройлидир. Ўрмонлари гўзал бўлса бордир, лекин нима учун бегона юрт чиройи мафтун қилади-ю, ўз юртингнинг тарихи қизиқтирмайди. Майли, ўша ўрмонларни кўр. Таассуротларингни гапириб берарсан. Лекин, энг биринчи навбатда етиб боргач, уйга неча кунда кетгинг келганини айтарсан", деб тайинладилар.

Мен учун ҳаммаси қизиқ эди. Самолёт Орол устидан учиб ўтди. Булутлар пастда қолди. Манзилга етдик ҳам. Айтганларича бор экан, ўрмонлар гўзал эди.

Эртаклар шаҳри шекилли, дедим ўзимга ўзим. Таксичига манзилни айтаман. Жавобан: "Қаердансан. Намунча қора бўлмасанг", дейди у. Қуёшда қорайган қўлларимни беркитаман. "Тошкентданман", дейман. "Не знаю" кулади у. Тушунтиришга уринаман. Ҳали шаҳарга кириб улгурмасимдан кўнглимдаги иштиёқ, гўзаллик ҳайратлари сўлиб бўлди. Шу жойнинг ўзиданоқ ортимга қайтиб кетгим келди. Тошкентда кузнинг майин офтоби эркалаб кузатиб қўйган бўлса, бу ерлар совуқ эди. Бунинг устига қор ёға бошлади. Изғирин турди. Мана сенга гўзаллик, дедим ўзимга ўзим. Ёдимда қолгани картошканинг таъми бўлди. Дардим ичимда. Ортга қайтгим келади. Йўлга отланаман. Ўша кузатиб қўйган кузнинг майин офтобини ҳис қилиш, уйимга яқинлашгандаги дақиқалар мен учун таърифлаб бўлмас бахт эди.

Бизнинг юртдек жаннат йўқ, гўзаллик бизнинг юртимизда, дея бор овозим билан ҳайқиргим келди.





Урунгачсойнинг Пском дарёсига қуйилишини ҳайрат билан кузатамиз. Тянь-Шань тоғлари. – Тангри тоғ дейилганича бор. Осмон яқин. Мағрур тоғлар эса қадимги Шоҳжуворнинг ўтмишини эслатишга ҳаракат қилади. X-XI асрларда худди шу ерда Шоҳжувор шаҳри бўлган. Пском қишлоғининг рўпарасидаги нене сирларни ўз бағрида яширган ялангликка қараймиз. Ривожланган катта бир шаҳар. Қад кўтарган бинолар. Сув қувурлари, ҳаммомлар, темирчилик устахоналари, археологик қазишмалар вақтида топилган лойдан ясалган буюмлар шаҳарнинг ўтмишидан сўзлашга уринади. Изланишлар, илмий тадқиқотлар даврида яна бир тахмин пайдо бўлди. Қалмоқлар юриши пайтида Хондайлиқ қишлоғида яшовчи аҳоли Шоҳжуворга қочиб боришади ва 20 йилдан сўнгина қадрдон қишлоқларига қайтишган экан. Шаҳарга даҳшат ва балоларнинг, ёғийларнинг келиши қийин бўлган. Атрофи баланд тоғлар, бир томонда эса шовуллаган чуқур дарё.

Пскомдаги Қуруқсой деб аталувчи манзилдан қайтамиз. Ўтмишда қишлоқнинг номи Миском, Биском дея аталгани ва бу номларнинг Пскомга уйғунлиги ҳақида баҳслашамиз. Мис конлари кўп бўлгани учун ҳам қишлоқнинг номи шундай аталган деган тахминлар ўртага сурилади.

Қишлоқ аҳлининг ўз гўшаларини яхши кўришларини, уни гўзал манзилга айлантирганларини ҳайрат билан тилга оламиз. Уларнинг содда ва самимийлиги, бироқ ўта ҳушёрлиги эътироф этилди. Ўз уйингни ўзинг асра дейишган. Бундай гўзал қишлоқни билмаслик, уни эъзозламаслик эса катта гуноҳ. Урунгачсой, Ихноч кўли, Парилар водийси... Уларнинг таърифига тил ожиз. X-XI асрларга тааллуқли қорахонийлар давлатининг тангалари топилган Тепар, Чакак, Полвонак сингари қишлоқлар таърифи ва биз шу куни етиб бора олмаган булоқлар тавсифи асрлар оша яшашига ишонамиз. Чунки уларда бағри кенг, меҳмондўст ва энг асосийси ободликни севадиган одамлар яшайдилар.

**Манзура АЛИОХУНОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).








## СУВОСТИ КЕМАСИНИНГ ҲАЛОКАТИ

**Ҳиндистон ғаввослари Мумбай портида портлаб кетган сувости кемаси бортида тирик қолган денгизчиларни топа олмадилар.**

AFP агентлиги Ҳиндистон ҳарбий денгиз флоти бош қўмондони Девендра Кумар берган баёнотга таяниб хабар қилишича, "Синдуракшак" сувости кемасида портлаш юз бергани оқибатида 18 киши бортда қамалиб қолди. Бироқ, уларни топиш имконияти бўлмаяпти. Шунга қарамай, бош қўмондон денгизчилардан кимлардир тирик қолганига умид боғламоқда. Ғаввослар кема ичига кириб, унинг бортидаги сувни насослар ёрдамида чиқариб ташлаб, юқорига кўтариб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳарбий денгиз флотининг маълумотларига қараганда, сувости кемаси кетма-кет юз берган икки портлашдан сўнг чўкиб кетган. Биринчи портлаш у қадар кучли бўлмасада, иккинчи жиддий портлаш юз беришига сабабчи бўлди. Бироқ, биринчи портлаш нима сабабдан юз бергани ҳамон номаълум.

Махсус докда турган кемадаги портлашлардан сўнг кучли ёнғин бошланди. Унга бевосита яқин жойда турган бир неча киши шифохонага тушди. Бироқ, уларнинг экипаж аъзолари ёки йўқлиги ҳам номаълумлигича қолмоқда.



## ҚИМОРХОНА ЭГАСИ «ЎЙИН»НИ БОЙ БЕРДИ

**АҚШнинг Огайо штатидаги Цинциннати шаҳри фуқароси қиморхона (казино)даги ўйин чоғида ўзининг адашига тегишли бўлган бир миллион доллар ютуқни олиб, бойиб кетди.**

ABC News агентлигининг маълум қилишича, ютуқнинг ҳақиқий эгаси Кевин Льюис исм-шарифли шахс бўлиб, миллион долларни қўлга киритган киши эса унинг адаши экан. Қизиғи шундаки, қиморхона маъмурияти сохта ютуқ эгасидан миллион долларни қайтариб олмади. "Бу бизнинг эҳтиётсизлигимиз оқибати, – деди қиморхона бош бошқарувчиси Кевин Клайн. – Биз ўз меҳмонларимизга доимо тўғри муносабатда бўламиз. Шунинг учун ҳақиқий ютуқ эгасига ҳам миллион доллар тўладик".




Гап шундаки, ўйин давом этаётган пайтда қиморхонада бўлган биринчи Кевин Льюис ўзининг исм-шарифини айтиб чақиришганда, дарҳол жавоб бериб, маъмуриятдан чекни қабул қилиб олди. Шундан сўнг ўтказилган текширув чоғида маълум бўлдики, ютуқ иккинчи Кевин Льюисга тегишли экан. Бахтли "ўйинчи"ларнинг нафақат исм-шарифлари, балки улар ҳақидаги шахсий маълумот, шу жумладан ёшлари, оилавий ҳолати ҳам жуда ўхшаш экан. Иккиси ҳам асосий вақтларини қиморхонада ўтказишаркан. Бу миллионерлар матбуотга интервью беришдан бош тортишаяпти.

## ТЎФОН КЕТИДАН КУЧЛИ ЖАЛА

**Илгари хабар қилинганидек, Хитойнинг жанубий вилоятларига "Ютор" тўфони ёпирилди.**

Соатига 150 километр тезликда эсган кучли шамол асосан Гуандун вилояти ҳудудига тўғри келди. Синоптиклар бу ерда 250 миллиметр қалинликда ёғин бўлиб ўтганини қайд этдилар. Маҳаллий метеорология хизмати шу ҳақда хабар тарқатди.

Мамлакат ҳукумати юз бериши мумкин бўлган сув тошқинлари ҳамда ер кўчишлари ҳақида аввалдан аҳолини огоҳлантирган эди. Эндиги маълумотларга қараганда, кейинги кунларда тўфон мамлакатнинг Гуасни-Чжуан мухтор туманларига ўтган.

Тўфон яқинлашиши арафасида жанубдаги Гуандун ва Хайнань вилоятларидан 158 минг киши вақтинча хавфсиз жойларга кўчирилди. Хайнань сув ўртасидаги орол бўлгани учун яқинлашиб келаётган кучли тўлқинлардан сақланиш мақсадида 26 мингдан зиёд кема портга қайтди. Маҳаллий аҳолига эса уйлардан чиқмай ўтириш ҳақида маслаҳат берилди.



## КИМЁ ЗАВОДИДА ПОРТЛАШ

**Американинг Жоржия штатидаги Валдоста шаҳрида жойлашган кимё заводида аввалига портлаш юз бериб, сўнг ёнғин бошланди. Accosiated Pressнинг маълум қилишича, уч киши жароҳат олди.**

Маҳаллий полиция маҳкамасида ҳикоя қилишларига қараганда, авария чиқиндиларни, шу жумладан хавфли чиқиндиларни қайта ишлайдиган цехда юз берди. Натижада завод атрофидаги кўчалар ёпилди. 1,6 километр радиусда эвакуация тадбирлари ўтказилди.



Шаҳар полицияси бошлиғи маълумотларига таяниб хабар қилинишича, уч киши ёнғинда жиддий куйиш натижасида оғир жароҳатланган. Портлаш ва ёнғин сабаблари ҳақида ҳозирча ҳеч нарса маълум эмас.

## БМТ КОМИССИЯСИ ИШ БОШЛАШГА ТАЙЁР

**БМТ Суриядаги ички жанжаллар жараёнида томонлар кимёвий қуролни қўллаган ёки қўлламаганларини текшириб кўриш хусусида мамлакат ҳукуматидан розилик олди.**

Ўзаро келишувга мувофиқ, БМТ инспекторлари мамлакатда 14 кун давомида текширув ўтказадилар. Агар вазият тақозо этса, икки томоннинг келишувига мувофиқ, бу муддат узайтирилиши мумкин. Келишувга оид музокаралар икки ҳафта давом этди. Сурия ҳукумати ушбу ташаббус муаллифи бўлди.

Ҳукумат ҳамда ғалаёнчилар бир-бирларини бир неча бор кимёвий қуролларни қўллашда айбладилар. Бу ҳақда Исроил, АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг расмий вакиллари ҳам хабар берган эдилар.

Президент Асад тартиби душманлари бошлаб берган фуқаролар уруши 2011 йилнинг март ойидан бери давом этаяпти. Бу оралиғда ҳар икки томондан 100 мингдан зиёд киши қурбон бўлди.




**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Кўргазма

## ФОТОСУРАТЛАРДА БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН

**Юртимизда кечаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари рассом ва фотомусаввирларнинг Мустақилликнинг 22 йиллигига бағишлаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" мавзусида турли жанр ва йўналишда яратаётган ижод намуналарида ҳам ўз аксини топмоқда.**

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвонсаройида кўп қиррали ижодкор, шоира, публицист, журналист, фоторассом Назира Боймуродованинг "Шу Ватанга бордир менинг керагим" деб номланган шахсий фотокўргазмаси очилди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика ҳамда Тошкент фотосуратлар уйи қошидаги фотосанъат мактабида таҳсил олган ижодкор ҳозир Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Маданият ва маърифат" телеканалида ишламоқда. Кейинги уч йилда пойтахтда, Нукусда, қатор вилоятларда шахсий фотокўргазмалари бўлиб ўтди. "Баркамол авлод орзуси", "Гулдаста", "Дарёдан бир томчи", "Қалбимдаги гавҳарим, Ватан", "Юрагимга яқин одамлар" ва бошқа кўргазмаларини кузатган ихлосманд ижодкор ўзи олаётган суратларда ҳаёт фалсафаси, унинг мазмун-моҳияти акс этишига алоҳида эътибор қаратаётганини, ўз қарашлари борлигини кўради.



Навбатдаги кўргазмага 60 га яқин фотосуратлар қўйилган. Уларда мамлакатимиз табиати, гуллар олами, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, ўзбекона миллий урф-одат ва қадриятларимиз, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, бунёдкор халқимизнинг бир неча авлод вакиллари сиймолари, беғубор болалик портретлари акс этган. Экспозициядан жой олган Чирчиқ шаҳри, вилоят туманларида тасвирга туширилган "Келажак сари йўл", "Пирамида", "Оққўрғон тонглари", "Сукунат", "Нур ва зулмат", "Аскар эҳтироми", "Бўстонлиқ мўъжизаси" каби қатор фотосуратлар кишига завқ бағишлайди, руҳини кўтаради, мулоҳазаларга чорлайди.

Фотокўргазма 26 августга қадар давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

## АССОЦИАЦИЯ САЙТИ ИШГА ТУШДИ

**Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси ўз расмий сайти – www.wrestling.uzни ишга туширди. Янги интернет-ресурс спорт ихлосмандларига мамлакатимиз ва хориждаги спорт курашлари бўйича энг сўнгги хабарларни етказиб берибгина қолмай, турли архив маълумотларини ҳам тақдим этади.**

Масалан, "Статистика" бўлимида жаҳон ва Осиё чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро мусобақаларда 1995 йилдан бугунги кунгача совринли ўринларни қўлга киритган спортчиларимиз натижалари ва кўрсаткичлари берилган.

Шунингдек, мазкур сайтда Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳақида ахборотлар, мавсумга оид тақвим режалари, яқин вақт ичида ўтказиладиган турнирлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Йирик халқаро спорт форумлари – Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб шоҳсупага кўтарилган Ўзбекистон спортчиларининг суратлари фотогалереяси ҳам сайт архивидан муносиб жой эгаллаган.

**Ғанишер ТОҲИРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

Билиб қўйган яхши

## БОТОКС – ГЎЗАЛЛИК ЯРАТАДИМИ?

Ботокс – юз мушаклари ажинларини бартараф этувчи муолажа туридир. Бунда ботулотоксин моддаси махсус ингичка игна ёрдамида мушакларга юборилади. Ботулотоксин заҳарли модда бўлиб, гўшт маҳсулотларини нотўғри консервалаш оқибатида пайдо бўлади. У билан заҳарланиш таъсирида мушаклар буткул фалажланади. Бироқ, олимлар бу оғуни кўпгина асаб ва мушак касалликларини даволашда кенг қўллашади.

Ботулотоксин терапияси юздаги аҳамиятга молик: қошлар ўртаси, пешона, кўзнинг ташқи бурчаклари ёни, бурун устидаги ажинларни бартараф этишда қўлланилади. Бироқ оғир шароит таъсирида юзага келган ажинларни ботулотоксин ёрдамида даволаб бўлмайди.

Ботулотоксин муаммоли жойга юборилганидан кейинги биринчи натижа 1-2 кундан сўнг сезилади. Ботокснинг самараси бир ҳафта ичида билинади. Юз териси 4-6 ой давомида таранглашиб туради, сўнг аста-секин доринингкучи йўқолиб, тери илгариги ҳолига қайтади. Шундан кейин яна қайта инъекция талаб қилинади. Кўпчилик дорига ўрганиб қолгани учун эмас, балки ёш ва гўзал кўриниш учун қайта инъекция қилдиришни хоҳлайди.

Ботокс усули нафақат ажинларни йўқотиш, балки кучли терлаш муаммосини ҳам ҳал этади. Масалан, қўлтиқ, қўл, оёқларнинг ҳаддан ташқари терлашини даволайди. Натижа 48 соатдан кейин билинади ва 10-12 ой ўз кучини сақлайди. Бундай муолажаларни дерматокосметологлар бажаради.



Агар сиз ботокс ёрдамида даволанишга қатъий аҳд қилган бўлсангиз, муолажадан олдин баъзи маълумотларни билиб олишингиз лозим.

Биринчи навбатда, мутахассис билан муолажанинг нозик томонларини, ўзингизга хос жиҳатларини ва кутиладиган тахминий натижаларни муҳокама қилиб олганингиз маъқул. Бироқ, табиий гўзалликка ҳеч нарса етмайди.

**Марям АҲМЕДОВА тайёрлади.**

Бу – қизиқ

## Ёшлик эликсири

Ёшлик эликсиридан ичиб, кўп саргузаштларни бошидан кечирган фильм қаҳрамонлари ёдингиздами?

Ҳа, доимо ёш ва гўзал бўлиб юришни кўпчилик хоҳлайди. Олимлар ҳам бу борада тинимсиз изланиш олиб бормоқдалар. Бунинг самараси ўлароқ, яқинда дорихоналарда қаришга қарши восита пайдо бўлади. Дори таркиби мутлақ табиий қўшимчалардан иборат бўлиб, унинг асосини ресвератрол – олий нав узум данагининг ёғи – кучли ёшартирувчи хусусиятга эга маҳсулот ташкил этади.

Мутахассислар бу дори шунингдек, саратон, қандли диабет, Альцгеймер касалликларининг олдини олишда ҳам ёрдам беришини таъкидламоқдалар.

## Карам – ўткир кўзлар гарови

Инглиз ва немис олимларининг тадқиқотлари карам кўзларимиз учун энг фойдали сабзавот эканини исботлади. Карам барглари таркибидаги кўплаб дармондорилар кўриш қобилиятини яхшилайди. У инсон танасидаги пигмент жой-жойига сўрилиб, ёруғлик тўғри тақсимланишига ёрдам беради, бунинг ҳисобига эса кўриш жараёнини меъёрида ушлаб туради. Шунингдек, карамда тартрон кислотаси бор, у кўз тўрпардалари атрофидаги нозик қон-томирларини ортиқча холестериндан тозалайди.

Карам таркибида С витамини апельсиндагидан кам эмаслигини биласизми? Бу дармондорининг етарли бўлиши кўз қорачиғидаги ўзгаришларга ижобий таъсир кўрсатиши билан катта аҳамиятга эга. Шунинг учун кўпроқ янги узилган карамдан истеъмол қилинг, кўзингиз бургутникидек ўткир бўлади.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 236-55-54. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7844. Адади 7 665. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30.